

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-11/2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович,
т.ф.д., проф.

Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Бобожонова Сайёра Хушнудовна, б.ф.н., доц.

Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.

Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.

Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Исмаилов Исҳақжон Отабаевич, ф.ф.н., доц.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.

Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.

Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc

Курбанбаев Илҳом Жуманазарович, б.ф.д., проф.

Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.

Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.

Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.

Раззақова Сурайё Раззоқовна, к.ф.ф.д., доц.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д.,

проф.

Рахимова Гўзал Юлдашовна, ф.ф.ф.д., доц.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.

Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.

Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович,

б.ф.д., академик

Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Файрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.

Худойберганоф Ойбек Икромович, PhD, к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№11/2 (108), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 231 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2023

МУНДАРИЖА
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Arzimatov B.Z. Rahbar va xodim o'rtasidagi munosabatlarni baholash mexanizmlarini takomillashtirish	5
Ataxanova Sh.S. Sanoat korxonalarini innovatsion faoliyatini kuchaytirish ko'rsatkichlari	7
Baxtiyorova N.U. Oliy ta'lim muassasalarida ijtimoiy media marketing xizmatlaridan samarali foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari	10
Boboqulov S.B. Aholiga ko'rsatiladigan kommunal xizmatlarni raqamlashtirish yo'llari	13
Dedajanov B.N. Foreign experience of strategic planning of operational management activities of industrial enterprises	16
Egamberdiyeva S.R. Xalqaro standartlar asosida qishloq xo'jaligida aktivlar hisobini takomillashtirish	19
Ibragimov I.U. Issues of strategic planning and their effective use in industrial enterprises	22
Ibragimov I.U. Tadbirkorlik sub'yektlarida innovatsion faoliyatini boshqarish mexanizmini muvofiqlashtirish masalalari	25
Jumaev P.X., Ruziyev Z.I. Statistical analysis of the loan portfolio in banks and its management	28
Jurakulova S.B., Turayev B.H. Qishloq joylarda agroturizm klasterining shakllanish xususiyatlari	32
Kalimulina N.V. Xorazm viloyati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida qurilish sohasi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik (KBXT) subyektlarining hududiy va tarmoq tahlili	38
Masharipov X. Turizm sohasida kadrlar salohiyatini oshirish ustuvor yo'nalishlari	44
Mirxamidova D. Sanoat korxonalarida mehnat samaradorligini oshirishning rivojlangan davlatlar tajribasi asosida takomillashtirish	46
Mirzanova N.M. Raqamli iqtisodiyotda logistikaning o'rni va ahamiyati	49
Qurbonov A.B. Agrosanoat majmuasini kichik tadbirkorlik asosida rivojlantirish yo'llari	52
Rajapov X.B. O'zbekiston Respublikasi baliqchilik sohasida KBXTni rivojlantirishning hozirgi xolati tahlili	55
Ruziyev Z.I., Oramov J.J. Impact of local budget revenues on socio-economic development of regions	60
Sapayeva N.K. Mintaqa infratuzilma faoliyati rivojlanishi va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili	64
Sattikulova G.A. Features of industrial production development in the Republic of Uzbekistan	67
Sharipov S.B. Xizmat ko'rsatish korxonalarini raqobat ustunligini shakllantirish strategiyasi	70
Sherqulov Sh.J. Qishloq xo'jalik yerlarida yer monitoringini o'tkazish uslubini takomillashtirish	73
Sultonov B.B. Islom moliyasini O'zbekiston iqtisodiyotiga joriy qilishda qonunchilik normalaridagi muammolar va ularni takomillashtirish	76
Toshaliyeva S.T. Surxondaryo viloyatining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini iqtisodiy-statistik baholash	79
Toshpo'latova S. Maktab rahbarlarining boshqaruv kompetensiyalarini rivojlantirishda psixologik komponentlikning ahamiyati	84
Tuychieva N. The importance of improving higher education management in Uzbekistan	86
Ubaydullayev L., Narimonov N. Issues of effective use of modern principles of management in strategic planning	89
Xalikova L.N. Malakaviy va zamonaviy kadrlar – davr talabi	92
Xudayberganov D.T. Sanoat tarmoqlarini rivojlantirishning mintaqaviy xususiyatlari	97
Xurramov O.K. Raqamli turizmning asosiy texnologik yechimlar va xizmatlar	100
Азимов О.О., Ташпулатов Дж.Б. Роль инвестирования в основной капитал экономического развития региона	103
Атажонов Ж.О. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik субъектлари кооперация алоқаларининг таснифий хусусиятлари	107
Бердиев Қ.Х. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ хусусий капитал таркибини шакллантириш	112

Бердиев Қ.Х. Хўжалик субъектларида капитал ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш	116
Бозаров Б.З. Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари ишлаб чиқаришининг ривожланиши	119
ДЖумаев Ф.Т. Саноат ривожланишига иқтисодий кўрсаткичлар таъсирини баҳолаш	123
Ерматова Д.А. Темир йўл транспортида трансформация жараёнини амалга оширишдаги тўсиқлар	127
Заявитдинова Н.М. Цифровая трансформация системы государственного управления в условиях цифровизации экономики	131
Камилова С.А. Тенденции инвестиционной активности институциональных структур фондового рынка	134
Комолов С.Х. Фармацевтика саноатида инновацион инвестициялаш жараёни механизмлари	137
Курбанова М.Н. Кончилик саноати корхоналарида инновацион фаолият механизмларининг илмий-назарий асослари	140
Қодиров А.А. Экологик туризмни ташкил этиш тамойиллари, усуллари ва унинг таркибий тузилиши	145
Қодиров А.А. Экотуристик хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари	152
Махаммадалиева М.Ш. Ситуация с электронной коммерцией и пути решения проблем в Узбекистане	157
Махмудов Т.Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этиш механизмнинг хориж тажрибаси	162
Муминова Н.И. Валюта курси ўзгаришининг экспорт ва импорт хажмига таъсири тахлили	168
Насимов Б.Б. Факторы, влияющие на развитие предпринимательской деятельности в сфере туризма	172
Нурибегов Р.И., Лямкина В.А. Основные факторы развития предпринимательского университета в условиях глобализации	178
Рахимов Т.Ж. Худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг назарий хусусиятлари	183
Саидов Д.Р. Хоразм вилоятида автомобил бизнеси ва сервис хизматлари сифатини такомиллаштиришни социологик анкета сўровлари асосида баҳолаш	188
Тарахтиева Г.К. Саноат корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари	197
Тешабоева З.Т., Кобулова М.А. Направления совершенствования системы управления инновационной деятельностью Республики Узбекистан	200
Турабоев И.И. Тадбиркорлик фаолиятида бошқариш тизимини самарадорлигини ошириш	205
Умарова Г., Набиева М. Жамият тараққий этишида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўрни	207
Ходжаниязов Э.С. Туризм соҳасида транспорт кластерини шакллантириш хусусиятлари	209
Хожиматов Р.Р. Пиллани қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашда ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш	216
Холмирзаева Қ.Х. Бошқарув ходими меҳнати самарадорлиги: мазмун-моҳияти, баҳолаш ва тавсиялар	218
Эсаналиев О.Ю. Кичик саноат зоналари - қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва ривожлантириш асоси сифатида	221
АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ	
Duschanov Sh.Sh. Imkoniyati cheklangan sayyohlar uchun qulay muhit yaratish istab	224
ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ	
Matyoqubov Z.Q. Yuqori yarim tekisliklar dekart ko'paytmasi uchun matritsaviy karleman formulasi	227

янгилик бўлган бўлса, эндиликда уларнинг такомиллашиб бориши ва ўзаро бирлаштирилиши механизмга айахланиб борди. Мазкур даврни ҳозирда ахборот технологияларнинг юқори даражаси саналган ақлли ускуналар ва уларнинг киберхавфизлигини таъминлаш жараёнлари билан ўтказилмоқда, унинг механизми эса мураккаб алгоритм ва блок схемалардан ташкил топган.

Бугунги кунга келиб, замонавий ишлаб чиқаришни интеллектуал ахборот технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Рақамли технологиялар сифат ва самарадорлик кўрсаткичларини забт этиб, ишлаб чиқарувчиларнинг муқобил танловига айланди. Бироқ рақамли технологиялар авлоди инновацион фаолиятнинг жорий ва келгуси механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан тегишли технологик тадбиқларни амалга ошириши талаб этилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kiryakova, M.V. & Nguyen, Zui & Bogacheva, M.V. & Girich, I.V. & Maltsev, A.V.. (2023). The influence of the innovative mechanism of procurement on the implementation of managerial and organizational work of a research and production enterprise. E3S Web of Conferences. 402. 10.1051/e3sconf/202340213021
2. Буравой М. Марксизм после коммунизма // Рубеж. 1999. №13-14. С.65-88; Berliner, Joseph S. The Innovation decisions in Soviet Industry. Cambridge: The MIT Press, 1976. P.X.
3. Yaroshenko S. Evolution of the social mechanism of innovation. https://web.warwick.ac.uk/russia/Yaroshenko_eng.doc#:~:text=The%20basic%20elements%20of%20the,functioning%20of%20precisely%20these%20elements.
4. <https://www.oecd.org/innovation/inno/inno-stats.htm>
5. Calzada, I. and Almirall, E. (2020), "Data ecosystems for protecting European citizens' digital rights", Transforming Government: People, Process and Policy, Vol. 14 No. 2, pp. 133-147. <https://doi.org/10.1108/TG-03-2020-0047>
6. Fabiane Letícia Lizarelli. ntegration mechanisms for different types of innovation: case study in innovative companies. Revista Brasileira de Gestão de Negócios, vol. 21, no. 1, 2019. Fundação Escola de Comércio Álvares Penteado
7. Bendik Bygstad. Generative mechanisms for innovation in information infrastructures Norwegian School of IT, Schweigaards gt.14, 0185 Oslo, Norway. Information and Organization (journal homepage: www.elsevier.com/locate/infoandorg)
8. Камбаров Ж.Х., Махмудова Н.Ж. Инкирозга қарши инновацион механизмни такомиллаштириш. Иқтисод ва молия, №4, 2016, 9-16 б
9. Afanasievna O., Rakhimova K. Strategic Management Mechanism of Innovative Development of Industrial Companies. Academy of Strategic Management Journal (Print ISSN: 1544-1458; Online ISSN: 1939-6104). Research Article: 2020 Vol: 19 Issue: 4
10. Дейли, А., Хамфрис, Д., Раффо, Дж., и Валакки, Г. (ред.). (2022). Глобальные вызовы для инноваций в горнодобывающей промышленности. Кембридж: Издательство КУ. doi: 10.1017/9781108904209
11. Тью Блуммарт. Четвертая промышленная революция и бизнес. Альпина Паблишер. 2019, 270 с
12. Liu, H., Zhao, H. Upgrading models, evolutionary mechanisms and vertical cases of service-oriented manufacturing in SVC leading enterprises: Product-development and service-innovation for industry 4.0. Humanit Soc Sci Commun 9, 387 (2022). <https://doi.org/10.1057/s41599-022-01409-9>

УЎК 338.348

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

А.А.Қодиров, тадқиқотчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада экотуристтик хизматлар бозорининг амал қилиш хусусиятлари, ушбу хизматларни ташкил этиш тамойиллари, усуллари ва унинг таркибий тузилиши таҳлил қилиниб, замонавий экотуристтик хизматлар учун хо бўлган жиҳатлари аниқланган.

Калит сўзлар: туризм, экотуризм, экотуристтик объектлар, экотуристтик хизматлар, табиий туристик хизмат, турист, экотурист.

Аннотация. В статье анализируются особенности рынка экотуристских услуг, принципы, методы организации этих услуг и его структурная структура, а также выявляются аспекты, характерные для современных экотуристских услуг.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, объекты экотуризма, услуги экотуризма, услуги природного туризма, турист, экотурист.

Abstract. *The article analyzes the features of the market of ecotourism services, principles, methods of organizing these services and its structural structure, and also identifies aspects that are characteristic of modern ecotourism services.*

Key words: *tourism, ecotourism, ecotourism objects, ecotourism services, nature tourism services, tourist, ecotourist.*

Кириш. Сўнги йилларда жаҳонда кузатилаётган глобал экологик ўзгаришлар табиий-иқлимий шарт-шароитларнинг ёмонлашувига олиб келмоқда. Жумладан, атроф-муҳитга нисбатан инсонлар томонидан антропоген таъсир даражасининг ортиб бориши натижасида глобал иқлимий ўзгаришлари содир бўлиб, аксарият мамлакатларда ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, ҳавонинг ифлосланиши, яшил ҳудудлар ва ўрмонлар ҳажмининг қисқариши, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг деградацияга учраши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида турларнинг камайиб бориши каби муаммоларни тобора авж олиб боришига олиб келмоқда. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти томонидан инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш имкониятини берувчи экотуристтик хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш орқали бу каби салбий тенденцияларнинг авж олишини олдини олишга эришиш мумкинлиги кўп бора таъкидланмоқда.

Шу билан биргаликда, иқтисодий адабиётда амалга оширилаётган тадқиқотларда экотуристтик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга бағишланган кўпсонли фундаментал, амалий ва илмий-услубий тадқиқотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Бу каби тадқиқотларда экологик туризмни ташкил этиш тамойиллари, усуллари ва унинг таркибий тузилишини таҳлил этишга бағишланган илмий изланишлар муҳи ўрин эгаллайди. Бунга сабаб сўнги йилларда халқаро туристик оқим ҳажмида экотуризм мақсадида туристик саёҳат уюштириш мақсадида бўлган туристларнинг сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётда турли олимлар томонидан ўз мамлакатларининг экотуристтик салоҳиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, С.К. Кутлер, М. Сантеиро, Н. Сомерио, А. Авила-Робинсон, А.Г. Асмелаш каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан экотуризм салоҳиятини баҳолашнинг илмий-услубий асосларига бағишланган назарий қарашлар таҳлил этилган.

Яқин хорижлик Ю.А. Веденин, Е.И. Богданова, Ю.А. Худенких, А.Н. Дунец, кабилар томонидан мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида экотуризм салоҳиятини аниқлаш бўйича илмий изланишлар амалга оширилганлиги билан характерланади.

Маҳаллий олимлардан Н. Тухлиев, Т. Абдуллаева, Н.Т. Шамуратова, Т. Досчанов, Б.Ш. Сафаров, кабиларнинг илмий изланишларида мамлакатимизда экотуризмнинг ривожланиш хусусиятлари аниқланган, ҳудудларнинг экотуристтик салоҳияти баҳолашиб, улардан оқилона фойдаланиш йўналишлари ва экотуризмни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, соҳани инновацион ривожлантириш имкониятлари тадқиқ этилган. Аммо, ҳудудларда экологик туризм салоҳиятини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштиришнинг методологик услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда, комплекс ҳолатда, тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган

Таҳлил ва натижалар. Маҳаллий олим Д. Исмоилова тадқиқотларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Унинг фикрича, инсонлар ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар қуйидаги икки қонуният асосида ривожланиш тенденциясига эга бўлади:

- биринчи, инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш даражаси ортиб бориши натижасида табиатга антропоген босим ҳажми кўпаяди;
- иккинчи, глобал экологик муаммоларнинг авж олиши натижасида инсонларнинг сунъий табиий муҳитга қарамлиги кучаяди [1].

Д. Исмоилова фикрича, биринчи қонуниятнинг кескин ривожланиши натижасида иккинчи қонуният вужудга келган. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, ҳар қандай хўжалик

юритиш фаолиятини ривожлантиришда экологик барқарорликни таъминлаш ва атроф-муҳитга инсонларнинг салбий таъсирини камайтиришга устуворлик қаратиш лозим, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Экотуристик хизматларни ривожлантириш орқали эса айнан ушбу вазифани ҳал қилишга эришилади.

Инсонлар ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши натижасида юқорида келтириб ўтилган қонуниятларнинг ўзгариши айрим манбаларда илмий-техник тараққиёт билан боғланганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, С. Мамашокиров фикрича, «Техника – бу инсонларнинг ўз моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиий бойликларни, ундаги мавжуд неъматларни ўзгартириш ва ўзлаштириш воситалари, усуллари мажмуи ҳисобланади. Илмий-техник тараққиёт сабабли ишлаб чиқариш ривожланиб инсонларнинг табиий неъматлар ва атроф муҳитга бўлган муносабати ўзгариб боради» [2]. Шунга ўхшаш фикрлар Х.А. Джурақулов илмий тадқиқотларида ҳам келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра, «Илмий-техник тараққиёт жараёнида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар тобора кенгайиб, кўп қиррали ва мураккаб бўлиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан жамиятнинг ўз ҳолича таркиб топган табиий шароитларга қарамлиги нисбатан камайиб боради» [3].

Юқорида келтирилган фикрларга асосланган ҳолда, мамлакатда экотуристик хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уни оптималлаштириш орқали экологик барқарорликка эришиш мумкин, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Экотуристик хизматлар нафақат туристлар учун хизмат кўрсатиш, балки, табиатни, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилганлиги юқорида келтирилган вазифани ҳал этиш имконини беради.

Ушбу фикримиз исботи сифатида қатор иқтисодчи олимлар тадқиқотлари натижаларини келтириш мумкин. Ҳ.Ё. Ёқубжонова фикрича, «... атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларида туристнинг иштирок этиш шакли ёки унинг ташкил этилиши ва ўтказилиши экологик бошқарувга мос келса, туристик фаолиятнинг мутлақо ҳар қандай тури, таркибан экотуристик бўлиши мумкин, лекин саёҳатни экологик бошқарув ҳолатида ташкил этишни барча саёҳатчи ҳам қабул қилиши қийин кечади. Шу сабабли экотуризм табиатга масъулиятли ҳолда уни муҳофаза этишга қаратилган саёҳат туридир» [4]. Жумладан, О.Ҳ. Хамидов фикрича, «экотуризмни табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаган ҳолда фаол дам олишга асосланган туризмнинг янги бир мустақил шакли сифатида баҳолаш мумкин» [5]. М.Қ. Пардаев эса «экотуризм нафақат маънавий-марифий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат қилиш, балки ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисидан ташкил топади» [6].

Юқорида билдирилган фикрларга асосланган ҳолда, экотуризмни ривожлантиришдан кўзланган мақсад инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни мувозанатли ҳолатга келтириш орқали инсонларнинг табиатга зарарини камайтиришга қаратилган, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Яъни, Д. Эванс-Притчард таъкидлаганидек, «экотуризмнинг асосий вазифаси бу инсонлар ва табиат ўртасидаги адолатли муносабатлар тизимини ўрнатишдир» [7]. Жумладан, Д.Б. Веавер ҳам «экотуризмни ташкил этиш жараёнида туристлар ва уларга хизмат кўрсатувчилар ҳудуддаги маданий ва табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда, табиий ресурслар, бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашлари талаб этилади» [8].

Шу ўринда маҳаллий иқтисодчи Н. Юнусов фикрларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, «экотуризм одатий туристик хизматларга нисбатан қимматроқ нархлар асосида кўрсатиладиган хизматларни ўз ичига олиб, ушбу соҳани ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун ижобий таъсир кўрсатиши билан биргаликда, бу турдаги хизматлардан фойдаланаётган туристлар томонидан қўшимча бошқа турдаги хизматларга бўлган қўшимча эҳтиёжларни вужудга келиши эҳтимоли юқорилиги экотуризмнинг туристик хизматлар соҳаси таркибидаги нисбатан даромадли хизмат тури эканлигидан далолат беради» [9]. Шу билан биргаликда, Н. Юнусов томонидан экотуризмнинг иқтисодий ва экологик жиҳатдан бир қатор ижобий жиҳатларини ажратиш кўрсатилган. Жумладан, экотуризмнинг

иктисодий жиҳатдан бошқа туристик хизматларга нисбатан афзаллиги куйидагиларда ўз аксини топади:

- экотуризм табиат бўйлаб саёҳат қилиш билан биргаликда, табиат билан яқиндан танишиш, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, экотуристик хизматлар ташкил этилган ҳудудлардаги маҳаллий урф-одатлар ва аҳоли маданиятини тўлиқроқ ўрганиш учун замин яратади;

- экологик барқарорлик кўрсаткичига табиий (атроф-муҳитга зарар етказиш назарда тутилган), ижтимоий ва маданий жиҳатдан инсонларнинг, жумладан, туристларнинг салбий таъсирини камайтириш имконини беради;

- атроф-муҳитни ва маҳаллий ижтимоий маданиятни глобаллашувнинг салбий оқибатларидан самарали ҳимоялаш имкониятларини кенгайтиради;

- инсонларда экологик таълим-тарбияни шакллантиради;

- экотуристик хизматлар ташкил этилган ҳудудларда яшовчи маҳаллий аҳолини атроф муҳитни ҳимоя қилиш чора-тадбирларида иштирок этиши орқали қўшимча даромад олиш имкониятларини кенгайтириши билан инсонларнинг экологик барқарорликни таъминлаши учун масъулиятни хис қилишига иқтисодий рағбат сифатида хизмат қилади;

- экотуристик мақсадларда туристлар ташриф буюраётган ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширади [10].

Шунингдек, экологик нуқтаи-назардан экотуристик хизматлар куйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- экотуристик мақсадларда ҳудудларга ташриф буюрган туристлар бошқа туристларга нисбатан экологик маданияти юқори бўлиб, уларнинг атроф-муҳитга зарар етказиш даражаси сезиларли даражада кам бўлади. Яъни, дуч келган жойда тартибсиз ҳордиқ чиқариш натижасида атроф-муҳитни ифлосланишининг олдини олишга эришилади. Бунда экотуристик хизматлар ташкил этилган яшил ҳудудларга турли хил ахлатларни ташлаб кетиш, ифлослантириш каби салбий хусусиятлар камдан кам ҳолатларда учрайди;

- экотуристик хизматлар кўрсатилаётган ҳудудларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг қўшимча даромадлари ортиб боргани сари, ушбу ҳудудларда иқтисодий фаолият юритишнинг экологик жиҳатдан зарар етказиш даражаси кам бўлган муқобил турлари ривожланади;

1-жадвал

Экотуристик хизматларга қўйиладиган талаблар бўйича иқтисодчи олимларнинг қарашлари

Иқтисодчи олим	Экотуризмга нисбатан қўйилган талаб бўйича фикри
Д. Эванс-Притчард [12]	Инсон ва табиат ўртасидаги адолатли муносабатларга асосланиши лозим
Д.Б. Веавер [13]	Экотуризм иштирокчилари атроф муҳитни, флора ва фауна дунёсини ўзидек асрашлари лозим
П. Валентине [14]	Ҳудуд табиий шарт-шароитларига зарар етказмай, бузмасдан, уларни асраган ҳолда, атроф-муҳитни доимий ҳимоя қилиши лозим
С. Росс [15]	Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда туризм, ҳудуддаги биохилма-хиллик ва маҳаллий аҳоли ўртасида ижобий синергетик муносабатларга асосланиши лозим.
И.В. Зорин [16]	Экологик технологиялар асосида инсонларнинг «ёввойи» табиатдан бевосита фойдаланишига йўналтирилиши лозим
А.О. Пивоваров [17]	Атроф-муҳит муҳофазасига туристлар орқали қўшимча маблағларни жалб қилиш
М.Қ. Пардаев [18]	Экологик муаммоларни ҳал этиши лозим
О.Ҳ. Хамидов [19]	Инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни таъминлаши лозим
Ҳ.Ё. Ёқубжонов [20]	Туристлар атроф муҳитни ҳимоялаши лозим
А.К. Алимов [21]	Ижтимоий масъулиятли ва экологик барқарор ривожланишни таъминлаб, табиий ва маданий меросни, биохилма-хилликни асраши лозим
А.А. Қодиров	Инсон ва табиат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва табиий-экологик муносабатларни юқори экологик маданият асосида адолатли ўрнатиб, экотизим барқарорлигини таъминлаши лозим

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

- атроф-муҳитни ҳимоялаш ва экологик барқарорликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар сони ортиб, бу борадаги илмий фаолият самарадорлигини оширишга эришилади.

Жумладан, мамлакатнинг экологик барқарорлигини таъминлаш имкониятлари кенгайиб, маҳаллий аҳолининг атроф-муҳитни ҳимоялашдаги иштироки, мажбуриятлари ва бундан манфаатдорлиги ортади [11].

Экотуристик хизматларни ташкил этиш тамойилларини таҳлил қилишда аввал унга нисбатан қўйиладиган талабларга этиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Юқорида келтирилган 1-жадвалда бу борадаги иқтисодий адабиётда келтирилган айрим талабларни қиёсий таҳлил қилиш асосида экотуристик хизматлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим, деб ҳисоблаймиз: «экотуристик хизматлар ташкил этилган ҳудуднинг маънавий, маданий, табиий, экологик ресурслари, флора ва фауна дунёсини асрашда ушбу хизмат иштирокчиларининг фаол иштироқига асосланган инсон ва табиат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда табиий-экологик адолатли муносабатларни юқори экологик маданият асосида ўрнатишда қўшимча молиявий ресурсларни самарали жалб этиш орқали экотизим барқарорлигини таъминлаши лозим».

Юқорида экотуристик хизматларга қўйиладиган талаблар бўйича билдирилган муаллифлик илмий қараши шу кунга қадар иқтисодий адабиётда шаклланган илмий қарашларнинг ижобий тарафларини бир нуқтада жамлаш асосида шакллантирилган бўлиб, бугунги кунда жаҳон мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келади. Ушбу талаблар асосида экотуристик хизматларни ташкил этишнинг қуйидаги тамойилларини (1-расмга қаранг) ажратиб кўрсатиш умкин бўлади:

- экотуризмнинг инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар билан узвий боғлиқлиги – бунда инсонларнинг яшаш шарт-шароитлари, инсон ҳаётининг табиат билан боғлиқ бўлган ҳар бир бўлагини асраб авайлаш ва уни ўрганиш назарда тутилмоқда;

- илмий асосланганлик – ушбу тамойил инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ижтимоий, иқтисодий, табиий, экологик, фалсафий, ҳуқуқий билимлар билан боғлиқ ҳолда экотуристик хизматлар кўрсатиш жараёнида жамланишини англатади;

- таълим-тарбиянинг етарлилиги – инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ижтимоий, ҳуқуқий, экологик, маданий ва маънавий жиҳатдан инсонларнинг таълим-тарбиясига боғлиқ бўлиб, инсонда ушбу таълим тарбия қанчалик паст бўлса, унинг атроф-муҳитга зарар етказиш хавфи шунчалик юқори бўлади. Ёки, аксинча;

- ташкилий-бошқарув тамойили – бунда экотуристик хизматларни ташкил этиш, уларни кўрсатиш амалиётини бошқариш ва назорат қилиш назарда тутилади;

- экологик маданиятлилиги – ушбу тамойил инсонларда экологик жиҳатдан билимининг етарлилиги, унинг экологик мажбуриятларини бажариши ва бу борадаги ҳуқуқлари тўғрисида етарли даражада маълумотга эга бўлиши лозимлигини англатади;

- хавфсизлиги тамойили – экотуристик хизматлар иккиёқлама хавфсиз бўлиши, яъни инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга нисбатан етказиладиган зарар ҳажми минималлаштирилишига эътибор қаратилади;

- ахборот билан таъминланганлиги – экотуристик хизматлар иштирокчиларининг экологик ахборотлардан мунтазам хабардор бўлиши;

- бирдамлилиги тамойили – бунда экотуристик хизмат кўрсатувчилар, ушбу хизматлар ташкил этилган ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳоли ва туристларнинг атроф муҳитни ҳимоялашда биргаликдаги ҳатти-ҳаракати ва жавобгарлилиги назарда тутилади;

- адолатлилиги – экотуристик хизматларнинг инсонлар учун ҳам табиат учун ҳам бирдек манфаатли бўлиши ва улар ўртасидаги адолатли муносабатларни ривожлантириши лозимлигини англатади;

- мақсадлилиги тамойили – бунда экотуристик хизматларнинг аниқ мақсадда, яъни атроф-муҳитни ҳимоялаш мақсадида ташкил этилиши назарда тутилади;

- кенг қамровлилиги – экотуристик хизматлардан фойдаланишда барча бирдек фойдаланиши мумкин;

- табиий софлилиги – экотуристик хизматлар кўрсатишда табиий соф маҳсулотлардан фойдаланиш зарур. Жумладан, автомобиллар ўрнига турли хайвонлар (масалан, от, туя) ва

уларга қўшилган аравалар, ёки пиёда юриш, таом тайёрлаш жараёнида табиий сабзавотлар, мева ва резаворлардан фойдаланиш кабилар шулар жумласидандир.



1-расм. Экотуристик хизматларни ташкил этиш тамойиллари (Манба: Муаллиф томонидан тузилган)

1.2-жадвал

Экотуристик хизматларни ташкил этишнинг таркибий йўналишлари

Таркибий йўналиш	Хусусиятлари	Кўзланган мақсад
Фундаментал жиҳатдан ижтимоий-маданий ва табиий мутаносибликни ўрнатиш	Маҳаллий аҳолининг атроф-муҳитни ҳимоялаш, жумладан, экологик хавфсизликни таъминлаш ва назорат қилиш жараёнларидаги иштироки Табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича мамлакат аҳолиси ва туристлар учун тенг имкониятларнинг яратилганлиги Рекреацион ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларга экотуристик хизматлар кўрсатиш жараёнида қўшимча юк тушмаслигини олдини олиш	Инсонларнинг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш
Молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий самарадорликка эришиш	Қўриқланадиган ҳудудлар, жумладан, «яшил зона»лар, қўриқхоналар, экотуристик хизматлар учун мўлжалланган махсус жойларда экологик хавфсизликни таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни давлат бюджети, хусусий сектор, маҳаллий аҳоли ва туристлар маблағлари ҳисобидан ҳамкорликда молиялаштирилиши Экотуристик хизматлар ташкил этилаётган ҳудудларда яшовчи маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, жумладан, қўшимча даромад олиш имкониятларини кенгайтириш	Экотуристик хизматлар қамров даражасини кенгайтириш
Табиий ва маданий ресурсларни ҳимоялашни кучайтириш	Экологик барқарорликни таъминлаш Туристларнинг экотуристик хизматлар ташкил этилган ҳудуд табиий бойликлари ва маҳаллий аҳоли маданиятини ҳимоя қилиш жараёнидаги иштироки Экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ва маданий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича тажриба алмашиш	Экотуристик хизматлар кўрсатиш амалиётини сифат жиҳатдан такомиллаштириш

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Хулоса ва таклифлар. Юқорида экотуристик хизматларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва унинг тамойиллари бўйича билдирилган таклифлар асосида ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида замонавий экотуризмни ривожлантириш мумкин бўлади. Бунда мамлакатлар ўзларининг экотуризмни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш жараёнида қуйидаги мезонларга эътибор қаратишлари талаб этилади:

- экотуристтик хизматлар ташкил этилаётган худуднинг ижтимоий ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг етарли даражада ривожланганлиги;
- экотуристтик хизматлар ташкил этилаётган худудда яшовчи аҳолининг ижтимоий-маданий ҳолати, унинг ривожланганлик даражаси ва барқарорлиги;
- хизматлар кўрсатиш соҳасининг сифат кўрсаткичларининг юқорилиги;
- худуднинг экотуризмни ривожлантириш салоҳияти, жумладан, ҳавосининг тозаллиги, тоза ичимлик сувининг мавжудлиги, сув ресуларлари, эътиборга молик табиий ландшафтларнинг мавжудлиги, бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эгаллиги ва ҳ.к.

Юқорида келтириб ўтилган экотуристтик хизматларга қўйиладиган талаблар ва уни ташкил этиш мезонлари асосида экотуристтик хизматларни ташкил этишнинг таркибий йўналишлари қуйидаги тартибда амалга оширилади (1.2-жадвалга қаранг):

- биринчи йўналиш – фундаментал жиҳатдан ижтимоий-маданий ва табиий мутаносибликни ўрнатиш;
- иккинчи йўналиш – молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий самарадорликка эришиш;
- учинчи йўналиш – табиий ва маданий ресурсларни ҳимоялашни кучайтириш.

Фикримизча, ушбу таркибий йўналишлар асосида мамлакат иқтисодиётида замонавий экотуризмни ривожлантиришга эришилади. Бу эса биринчи галда экотуристтик хизматлар ташкил этилаётган худудларда ижтимоий-иқтисодий ва экологик барқарорликни таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исмоилова Д. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирларни оптималлаштириш муаммолари // Экология хабарномаси. 2014. № 4. (156). – 10 б.
2. Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2012. – 192 б.
3. Джуракулов Х.А. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг истикболли вазифалари ва стратегик имкониятлари. / Х. Джуракулов. – INDIA, 2022. – 140 б.
4. Ёқубжонова Ҳ.Ё. Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. – Наманган: НМТИ, 2021. – 13 б.
5. Хамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2017 – 13 б.
6. Пардаев М.Қ., Исломов Р.А., Гаппаров А.Қ., Абиев Ж.Н. Экологик туризм асослари. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2015. – 76-77 б.
7. Evans-Pritchard, D. and Salazar, S. (1992), «What is Ecotourism?» Eco-Institute of Costa Rica and ULACIT <https://oglebov.livejournal.com/31610.html>
8. Weaver, D.B. (1999) «Magnitude of Ecotourism in Costa Rica and Kenya», Annals of Tourism Research, Vol. 26. № 4, pp. 792-816.
9. Юнусов Н. Ўзбекистан делает ставку на развитие экологического туризма. <https://podrobno.uz/cat/podrobno/uzbekistan-delaet-stavku-na-razvitie/>
10. Юнусов Н. Ўзбекистан делает ставку на развитие экологического туризма. <https://podrobno.uz/cat/podrobno/uzbekistan-delaet-stavku-na-razvitie/>
11. Юнусов Н. Ўзбекистан делает ставку на развитие экологического туризма. <https://podrobno.uz/cat/podrobno/uzbekistan-delaet-stavku-na-razvitie/>
12. Evans-Pritchard, D. and Salazar, S. (1992), «What is Ecotourism?» Eco-Institute of Costa Rica and ULACIT <https://oglebov.livejournal.com/31610.html>
13. Weaver, D.B. (1999) «Magnitude of Ecotourism in Costa Rica and Kenya», Annals of Tourism Research, Vol. 26. № 4, pp. 792-816.
14. Valentine, P. (1993) Ecotourism and Nature Conservation: A definition with some recent developments in Micronesia. Tourism Management. Vol. 14, № 2, pp. 107-115
15. Ross, S. and Wall, G. (1999). «Evaluating Ecotourism: the Case of North Sulawesi, Indonesia» Tourism Management, Vol 20, № 6, pp. 673-682
16. Зорин И.В. Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. – М.: 2003. с. 167.
17. Пивоваров А.О., Шевчук В.П., Ливченко Е.Н. Вклад экотуризма в охрану природы // Успехи современного естествознания. – 2014. - № 2. – с. 78-82
18. Пардаев М.Қ., Исломов Р.А., Гаппаров А.Қ., Абиев Ж.Н. Экологик туризм асослари. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2015. – 76-77 б.
19. Хамидов О.Ҳ. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2017 – 13 б.
20. Ёқубжонова Ҳ.Ё. Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: и.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. – Наманган: НМТИ, 2021. – 13 б.